

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Рустам Ахунджанович Бегматов.*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти*

**Аннотация.** *Maqolada ёшларни маънавий-ахлоқий тафаккурнинг шаклланишига оммавий ахборот воситаларининг таъсири қисқача баён қилинган.*

**Kalit so'zlar:** *Ёш авлод тарбияси, ахборот хавфсизлиги, оммавий ахборот воситалари, оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги, маданий-ахлоқий ва маънавий қадриятлар.*

**Аннотация.** *В статье кратко изложена влияние средств массовой информации на формирование морально-нравственного мышления молодежи.*

**Ключевые слова:** *воспитание молодого поколения, информационная безопасность, средства массовой информации, открытость средств массовой информации, культурные, нравственные и духовные ценности.*

**Abstract.** *The article briefly outlines the influence of the media on the formation of moral thinking among young people.*

**Key words:** *education of the younger generation, information security, media, openness of the media, cultural, moral and spiritual values.*

Жамиятнинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, маданий- маънавий юксалишида ёшлар алоҳида ўрин тутади.. Жамиятда ёшлар тарбияси давлат даражасидаги энг муҳим масалалардан биридир. Маълумки, ёшларга оид давлат сиёсати давлат томонидан амалга оширилаётган ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир. Ёшларга оид давлат сиёсати фақат ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, уларни фуқаролик руҳида тарбиялаш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишда маданий-ахлоқий ва маънавий қадриятлар, қолаверса, авлодлар ворислиги, оилавий тарбиянинг устуворлиги тамойиллари асос қилиб олинган. Келажакда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга қодир ва ҳаётга масъулиятли, фаол қарайдиган ёшларни тарбиялаш, Ватанини севадиган, ўз тарихи билан ғурурлана оладиган, тили ва маданиятини эъзозлай оладиган, урф-одатларини ҳурмат қиладиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Ана

шундагина ёшларимиз келажакда ўз юртини ҳимоя қиладиган, глобаллашув даврида ўз миллатининг чироғини ўчирмайдиган, тилининг нобуд бўлишига йўл қўймайдиган, халқимизнинг янги тарихини яратадиган халқ етакчилари бўлади. Давлатимиз томонидан ёшлар ҳаётини янада яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий тараққиётга қўмаклашиш, билим олиш, касб-ҳунар ва мутахассислик эгаллаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва қобилиятини намоён этиш учун барча шароитларни яратмоқдамиз. Зеро, бутун халқимиз қатори ёшлар – янги Ўзбекистон бунёдкорларидир. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[1 ]

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ана шу чора-тадбирларни ўзида мужассам этган ва уларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилувчи тизимдир. Ёшларга оид давлат сиёсати тизимининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ёшлар бирлашмалари бўлиб, улар фаолиятини ривожлантириш ва салоҳиятини мустаҳкамлаш ёшлар ҳаётини ҳар томонлама юксалтириш, уларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш, иқтисодий мустақилликка эришиш, маданий билим олиш, ўз-ўзини ривожлантириш ва жамият ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилади. Ёшлар ҳар бир жамиятда фаол ижтимоий қатлам ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларида ёшлар қатлами ва уларнинг ёш таркибига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганларни ёшлар қатламига киритади. Европа Иттифоқи давлатларида эса, 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган аҳоли вакиллари ёшлар қатлами сифатида эътироф этилади. Шунингдек, МДХнинг аксарият мамлакатларида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади, аммо Украина давлатида 14-35, Қозоғистон давлатида да 14-29 ёшлилар ушбу тоифага киритилади. Ўзбекистон Республикасида эса 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшлар сиёсатининг таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, сиёсий платформаларда иштирок этиш, ёшлар маданияти, таълим, фуқаролик жамияти ва бошқаларда энг долзарб муаммоларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий ишларни амалга ошириш зарур бўлиб, уларда ёшларга оид талаблар мавжуд.

Жаҳон илм-фанида оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётида тутган ўрни бўйича сезиларли даражада илмий-назарий тадқиқотлар жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, жамиятдаги мураккаб ижтимоий муаммоларни бартараф этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, замонавий жамиятда жамоатчилик онгининг услублари, шахснинг

маънавий-ахлоқий ривожланиши тизимида оммавий ахборот воситаларининг таъсир кўрсатиш шакллари ва усуллари тадқиқ этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган ислохотлар асосида матбуот ва телевидениянинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги – Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланди” [2]. Оммавий ахборот воситалари орқали маҳаллий ҳокимият вакиллари, тадбиркорлик субъектлари томонидан муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, жамоатчиликка етказилаётганлиги бевосита ҳудудларимиз киёфасини ўзгаришига, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ортишига хизмат қилмоқда. Айниқса, очиқлик сиёсатининг ҳар бир фуқаро томонидан электрон ёки мобил телефони ёрдамида давлат бошқаруви органлари, ижтимоий тармоқлардаги профилларига мурожаатлари оммалашмоқда. Бу эса, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини янада кучайтириш омилларини, тарғибот ва ташвиқот механизмларини илмий тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда”[3]

Бугунги миллий юксалиш шароитида мамлакатимизда ёшларни инсоннинг маънавий такомиллини юксалтириш, маърифатли шахс этиб тарбиялаш муҳим устивор йўналишга айланди. Бу эса, ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг таркибий қисми бўлиб, ёшларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирокчи бўлишини таъминлайди. Қ.Қуронбоевнинг таъкидлашича, “Адолатли, демократик жамиятни қуриш ва ривожлантириш шароитида мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши билан бирга аҳоли онгу тафаккурида маънавий-руҳий қадриятларнинг қарор топиши инсонлар дунёқарашининг тубдан ўзгариши, Ўзбекистоннинг миллий тараққиётининг ривожланишига хизмат қилмоқда””[4]

Тадқиқотларга кўра, 2023 йилнинг бошидаги статистикага эътибор қаратадиган бўлсак, интернетда 1,97 млрд веб-сайтлар мажудлиги аниқланган. Шулардан 12 фоизи порнографик маълумотлар ёки уларни ташувчи бўлиб хизмат қилар экан.

10 мингдан зиёд веб-сайтлар ўзини ўзи ҳалок қилиш ва зўрвонликка асосланганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда дунёда интернет фойдаланувчилар сони 6,16 млрд.га етган. Бир йил ичида интернет фойдаланувчилар 1,9 фоизга ўсди. Кўриниб турганидек, анъанавий маълумот алмашишлар ва технологиялар ва ОАВлар ўрнини рақамли технологияларга бўшатиб бермоқда. Бугун бу ижтимоий тармоқлар жамоавийликдан йироқлашиб ғарб индивидуализминини кўпроқ дунё ёшлари онгига сингдиришга интилмоқда. Ёшларнинг онгини усталик билан эгаллашга, ақлдан кўра ҳиссиётни устун қўйишга тарғиб этаётган ахборот хуружларини фарзандларимиз қалбида ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи асраш ва эзгуликларга интилиш инстинктини шакллантирадиган соғлом маънавий-маърифий муҳит тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Жамиятда ахлоқий қадриятларимиз асосида ёшлар ўртасида анъанавий ҳамкорлик, бир-бирига ҳурмат, инсонийлик туйғуларини такомиллаштириш, аждодларимизнинг бой тарихий тажрибалари ва замонавий инновациялар асосида миллийликни кучайтириш муҳим саналади. Бу жараённи доимий равишда бойитиб бориш билан бирга миллий меросимизни асраб-авайлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириб бориш бизнинг вазифамиздир. Жаҳоннинг турли минтақаларида ахборот хуружлари, мафкуравий тажвузлар, бузғунчи ёт ғоялар авж олаётган, “оммавий маданият” таҳдиди ёшларни ўз домига тортаётган, терроризм балоси ўзининг найранглари билан инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган, ақидапарастликни ҳақ йўли деб ўзлигини унутаётган айрим кимсалардан огоҳ бўлишимиз лозим. Шунинг учун ёшлар билан доимий равишда шуғулланадиган, уларнинг ҳар бир фаолиятини назоратга оладиган механизмга кундан-кунга эҳтиёж ошиб бормоқда. Ахборот хуружларига қарши тура оладиган ижтимоий тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқарашни осонликча шакллантирмайди.

Бугун Ўзбекистонда ўз тақдирини ўзи яратадиган, кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, умуминсоният эришган ва амалиётда бўлган имкониятлардан самарали фойдалана оладиган фуқароларимиз кўплаб топилади. “Фуқароларнинг маънавий-маърифий даражаси эса ўз навбатида жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартиради” [5]. Бу эса, жамиятнинг ҳар бир фуқароси ахборот хуружларига арши тура оладиган мафкуравий иммунитетга эга бўлишида ўзига хос жараён ҳисобланади.

Умуман олганда, ахборот хуружлари инсонга руҳан таъсир этувчи воситалар орқали сингдирилаётганлиги, турли маиший кўнгилочар йўллар билан кириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жамиятда инсоннинг ахборот истеъмолчиси сифатида ундан самарали фойдаланиши борасидаги маданиятни, зийракликни оширишимиз бугунги куннинг энг долзарб ва кечиктириб

бўлмайдиган вазифаси сифатида қабул қилишимиз керак. Шундагина олдинга ташланадиган ҳар бир кадамимиз сермахмул, мазмунли, турли ахборот хуружларидан йироқ ижтимоий муҳитни яратишга олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 504-505.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. Б. 121
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24- йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. [www.пресс-сервисе.уз](http://www.пресс-сервисе.уз).
4. Қуронбоев Қ. Раҳбар маънавияти. –Тошкент, Тафаккур, 2017. – Б. 237
5. Юлдашева М.Қ. Ахборотлашган жамиятда маънавий хавфсизлик масалалари. –Тошкент: Маънавият, 2018. –Б. 43.